O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 14 май, шанба • № 39 (11.738) • Эркин нархда сотилади


• Эртага – Кон-металлургия саноати ходимлари куни

## ЕТАКЧИ ТАРМОҚ ПЕШҚАДАМЛАРИ

**Кон-металлургия саноати вилоят халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Олмалиқ, Бекобод, Ангрен шаҳарларидаги тармоқ корхоналари нафақат вилоят, балки, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга, республиканинг халқаро миқёсда нуфузи ортишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрен кўмир корхонаси саноатимиз байроқдорлари деб аталиши бежиз эмас.**

Мустақиллик йиллари улар учун техникавий янгиланиш, юксалиш, тараққиёт даври бўлмоқда. Ўтган даврда мустаҳкам таркиб топган хўжалик алоқалари барбод бўлиши оқибатида юзага келган муаммоларга қарамай, бу корхоналар ўз фаолиятини тўхтат-

(Давоми 2-бетда).



*Ўзбекистон металлургия комбинатининг биринчи навли прокат цехи бошлиғи Олимжон Асатов (чапда) ишчи Акром Исроилов билан иш юзасидан суҳбатлашмоқда*

• «Баркамол авлод — 2005»

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчиларнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилувчи терма жамоа аъзолари тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичини бошладилар**

## ШОҲСУПАНИ КЎЗЛАБ

Спортчилар орасида «Улкан ғалабаларга машғулотлар пайтида пойдевор қўйилади», деган нақл юради. Бу гап бежизга айтилмаган, албатта. Бирор мусобақада шоҳсупага кўтарилиш учун тинмай меҳнат қилиш, ўз устида ишлаш ва энг асосийси, мураббийлар кўрсатмасига амал қилиш лозим. «Баркамол авлод – 2005» ўйинларига ҳозирлик кўраётган ёш спортчилар ҳам турнирда ижобий натижаларни қўлга киритиш мақсадида тайёргарлик ишларини қизғин давом эттиришяпти.

Спортнинг 15 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадиган вилоятимиз терма жамоаси 10-22 май кунлари тайёргарликнинг сўнгги босқичида тобланади. Унда мураббийлар яна бир бор ўз шогирдларини кўрикдан ўтказиб, асосий таркиб ўйинчиларини аниқлашади.

— 2003 йилги «Баркамол авлод» мусобақаларида Мирсодиқ Содиқов ва Ёқубжон Холматовлар олтин медалларни қўлга киритишганди. Улар бу сафар ҳам юксак марраларни кўзлашяпти, — дейди шахмат бўйича терма жамоа мураббийи Бахтиёр Холмирзаев. — Айни пайтда Бекободда тайёргарлик ишларини олиб бораяпмиз.

(Давоми 4-бетда).

## Андижон шаҳридаги воқеалар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 13 май куни эрта тонгда Андижонга етиб борди. Давлатимиз раҳбари аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли ташкилот ва идораларга содир бўлган вазиятни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

* * *

Аввал хабар берилганидек, 2005 йил 13 майда, соат 00.30 ва 01.00 оралиғида бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар пост-патруль хизмати навбатчи қисмига ва Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмга ҳужум қилди. Ўнлаб ўқотар қуролларни қўлга киритган босқинчилар ахлоқ тузатиш колонияси ҳудудига ҳужум уюштириб, ҳибсхоналардан бир гуруҳ маҳбусларни чиқариб юборди. Дастлабки маълумотларга кўра, тўқнашув оқибатида 9 киши ҳалок бўлган ва 34 киши жароҳат олган.

Вилоят ҳокимлиги биносида ўрнашиб олган жангарилар билан ҳукумат вакиллари ўртасидаги музокаралар кун бўйи давом этди. Музокаралар жараёнига жамоатчилик вакиллари, жангариларнинг қариндош-уруғлари ва манфаатдор шахслар қўшилди. Аёллар, болалар ва гаровга олинганларни ўзига пана қилиб олган жангарилар можароли вазиятни келишув асосида ҳал қилишдан бош тортди.

Вужудга келган вазиятни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

(ЎзА).

## Қаҳрамонликлари унутилмайди

**Яқинда Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонасида «Марказий Осиё – Исроил» маданий маркази билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан келиб чиқиши Ўзбекистондан бўлган иккинчи жаҳон уруши фахрийларини қутлаш тадбири ўтказилди.**

Унинг тантанали очилиш маросимида Тель-Авив, Лода, Рамли, Кирьят-Гата, Холона ва бошқа шаҳарлар ҳокимликларининг вакиллари, Исроилда аккредитациядан ўтган МДҲ мамлакатларининг дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон элчиси О.Усмонов тўпланганларни қизғин қутлар экан, фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабада бўлгани сингари мамлакат ичкарисидан туриб мудофаани таъминлаш ҳамда озод қилинган ҳудудларни қайта тиклаш ишларида ҳам ўзбекистонликларнинг ҳиссаси катта бўлганини қайд этди.

Сўзга чиққан уруш фахрийлари ўша суронли йилларни хотирлаб, ўзбек халқининг инсонпарварона қаҳрамонликларини, хусусан, халқимизнинг Россия, Украина, Беларусь ва Молдавиянинг фашистлар томонидан босиб олинган ҳудудларидан миллиондан зиёд қочқинларни ўз паноҳига олганини алоҳида эҳтиром билан тилга олдилар. Шу билан бирга, улар уруш фахрийлари ва ногиронларига кўрсатаётган эътибори ҳамда ғамхўрлиги учун Ўзбекистон ҳукуматига ўзларининг самимий миннатдорлигини изҳор этишди.

**Б. ШАРИПОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири Тель-Авив.**

## Фахрийлар эъзозда

**Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан муқаддас Ватанимиз озодлиги, халқ эрки ва бахт-саодати учун курашларда азиз жонларини ҳам аямаган аждодларимизни хотирлаймиз. Ўз умрини мамлакат равнақига бағишлаган ҳамюртларимиз, оталаримиз, оналаримизга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатамиз.**

Ангрен шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда ҳам 230 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатилди. Ушбу тадбир Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ташаббуси билан унинг Ангрен шаҳар филиали, коллеж маъмурияти ҳамда тадбиркорлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбир аввалида турли тилларда жозибадор куй-қўшиқлар, шеърлар янгради, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шундан сўнг ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан йиғилганларга юбилей медаллари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар учун дастурхон ёзилди. Бир пиёла чой устида фахрийлар ёшлик йиллари, жангу жадалларни, уруш давридаги оғир меҳнат жараёнларини эслаб, бугунги саодатли кунларимиз учун шукроналар айтишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**Япониянинг Маебаши шаҳрида Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. У Марказий Осиё мамлакатлари тарихи ва маданияти фестивали доирасида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси кўмаги билан Гунма префектураси савдо ташкилотлари уюшмаси ҳамда Марказий Евроосиё клуби томонидан ташкил этилди.**

## Маебашида Ўзбекистон кўргазмаси

Маебаши қадим–қадимдан Япониянинг маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлган. У ўшанда ҳам ўзининг нафис ипак матолари, бетакрор ҳошияларга бой чинни буюмлари билан Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларда шуҳрат қозонган. Юксак ривожланган саноат даври бошланганидан сўнг Маебаши қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бироқ шаҳарнинг кўпгина аҳолиси ўзларининг Марказий Осиё мамлакатлари билан тарихан кўҳна алоқаларини жуда яхши билишлари баробарида улар бундай муносабатларни қўмсайдилар ҳам.

– Худди мана шу шаҳримизда Марказий Осиё мамлакатлари тарихи ва маданияти фестивалини ташкил этишимизга сабаб бўлди, – дейди Марказий Евроосиё клубининг Гунма префектураси бўйича бош котиби Ясуко Гото. – Минтақадаги мамлакатлар мустақилликни қўлга киритишганидан сўнг биз ўзимиз учун тарихнинг йўқотилган саҳифаларини қайтадан очдик. Халқларимиз икки минг йилдан бери бир-бирини билади. Бугун ҳам биз ота-боболаримиз асос солган дўстона муносабатларимиз икки мамлакат халқлари ҳамкорлигининг ривожига хизмат қилишини истаймиз.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон кўргазмаси фестивалнинг ёрқин қирраларидан бири бўлди. Тери ва қоғозга ишланган ажойиб миниатюралар, миллий каштачилик ва зардўзлик, турли-туман ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари, сопол буюмлар, қўйингки, ўзбекларнинг ўзига хос ва бетакрор халқ амалий санъати намуналари кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларида бениҳоя катта қизиқиш уйғотди.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Токио.**

## Элчихонада — «Баҳор ярмаркаси»

**Лондонда ҳар йили ўтазиладиган халқаро «Баҳор ярмаркаси» анъанавий хайрия тадбири бу йил Ўзбекистон фольклор гуруҳининг ранг-баранг чиқишлари билан очилди.**

«Баҳор ярмаркаси» бу ерда 1958 йилдан буён ўтказиб келинади. Уни «Дипломатия ярмаркаси» ҳам деб аташади, чунки унда Буюк Британияда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари фаол иштирок этишади. Ушбу анъанавий тадбир малика Александра ва «International Social Service UK» халқаро ташкилоти шафеълигида ўтказилади.

ISS UK раиси Дуглас Люис «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганидек, иштирокчи мамлакатлар вакиллари ушбу ярмаркага ташриф буюрадиган беш минг нафардан зиёд меҳмонга турли буюмлар ва халқ ҳунармандчилиги санъати маҳсулотларини намойиш қилишлари баробарида ўзларининг миллий таомларидан татиб кўриш учун ҳам имконият яратадилар. Хайрия тадбиридан тушган маблағ эса эҳтиёжманд болаларга ҳамда дунёнинг турли минтақаларида урушлар ва табиий офатлар оқибатида бир-биридан жудо бўлганларни бирлаштиришдек эзгу мақсадлар йўлида сарфланади.

Ўзбекистон элчихонаси ушбу «Баҳор ярмаркасида» ҳар йили иштирок этади. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, бу гал ярмарка илк бор ўзбек санъаткорларининг саҳна чиқишлари билан очилди.

Жаноб Энтони Фиггис ўзбекистонлик санъат усталарининг чиқишлари ярмарканинг очилиш маросимини безаб, тадбирга алоҳида, бетакрор шукуҳ бахш этганини таъкидлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси ва «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳамкорликда тайёрланган Ўзбекистон стенди ҳам ярмарканинг энг гўзал қирраларидан бири бўлгани боис унга ташриф буюрган минглаб меҳмонлар эътиборини ўзига бирдек тортиб турди.

**«Жаҳон» АА.**

## Ҳафталик муваффақиятли якунланди

**Ўзбек киноси ҳафталиги тадбирининг расмий очилиш маросимида Польша Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Р. Миклинский, «Фильм польски» агентлиги директори А. Голоневский, Варшавада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.**

Р. Миклинский ўз чиқишида икки томонлама муносабатлар тарихида илк маротаба ўтказилаётган ушбу Ўзбек киноси ҳафталиги Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтиришга қаратилганини қайд этди.

Ўзбек кино усталари Варшавада маҳаллий томошабинларнинг катта олқишларига сазовор бўлишлари баробарида Польша журналистларининг ҳам эътибори марказида турдилар – ушбу тадбир кўпгина маҳаллий нашрлар учун ўз ўқувчиларини мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан атрофлича таништиришга жуда қулай имконият яратди.

Варшава кинофестивали ташкилий қўмитаси аъзолари эса «Ўзбеккино» вакилларига жорий йилнинг ноябрида бўлиб ўтадиган кино анжуманида иштирок этиш учун ўзбек режиссёрлари ишлаган бадиий фильмларни мазкур фестивалнинг саралаш комиссиясига юборишларини сўрашди.

**«Жаҳон» АА.**

## ҲИСОБ-КИТОБ – КОМПЬЮТЕРДА





**Мусаддин Чўпонбоев – Бўка туманидаги янги фермерлардан бири. Бундай дейилишига сабаб – у бундан беш ойгина илгари, яъни 2004 йил декабрда Турғун Ражабов номли ширкат хўжалиги негизида мустақил фермер хўжаликлари ташкил этиш мақсадида ўтказилган тендерда ютиб чиқиб, 30 гектар экин майдонининг эгаси бўлди. Ҳозирча, битта Т-28 ҳайдов тракторидан бошқа техникаси йўқ. Аммо, собиқ ширкат хўжалиги негизида барпо этилган муқобил инфратузилмалар хизматидан самарали фойдаланяпти.**

Иккинчи томондан Мусаддин фермер сифатида янги бўлсада, деҳқончилик масаласида кўп йиллик тажрибага эга. У хўжаликда узоқ йиллар бригадирлик қилиб, пахта ва ғалла етиштириш, энг муҳими, кичик жамоага раҳбарлик қилишнинг ҳадисини олган. Тендерда ютиб чиқишининг асосий сабаби ҳам шу.

Қишлоқ хўжалигининг пастбаландини дурустгина ўзлаштирган фермер аввалбошданоқ узоқни кўзлаб, атрофига деҳқончиликни яхши тушунадиган, ғайратли ёшларни тўплади. Ҳозир аъзолар 12 кишига етди. Уларнинг деярли ярми ўз қариндошлари, яъни ака-укалари Сайфиддин ва Зайниддин, келинлар — Зарифа ва Дилфуза. Ўзи эса механизатордан чиққан раҳбар. Яна бир аъзо — Дамир Гараев ҳам тажрибали механизатор. Йўлдошбой Ўтабоев собиқ ширкат хўжалигининг энг моҳир сувчиларидан бўлган.

Фермернинг 12 гектар майдондаги буғдойи қалин бошоқлаган. Икки марта ўғит бериб суғорилгани учун ҳосил чўғи чакки эмас.

18 гектар ерга С-6524 навли чигит қисқа муддатда сифатли экилгани туфайли текис ва қийғос униб чиқди. Дастлаб уруғ қадалган майдонлардаги дуркун ниҳолларга биринчи ишлов берилаяпти.

Мусаддиннинг муҳим ютуғи шуки, у фермер хўжалигининг барча ишларини компьютерлаштирди. Бу ҳар бир агротехник тадбирни, барча сарф-харажатларни аниқ ҳисоб-китоб билан олиб бориш имконини бераяпти. Масалан, ғўза ва ғалла зараркунандаларига қарши фақат биологик усул қўлланилмоқда. Бу ҳосилнинг салмоқли ва сифатли бўлишини таъминлашдан ташқари, пахта ва доннинг таннархини арзонлаштириб, рентабелликни оширади. Бошқача қилиб айтганда, бу мўмай даромад демакдир.

Дарвоқе, фермернинг компьютерда олиб борган тахминий ҳисоб-китоби бўйича бу йил ғалладан 1,5 миллион, пахтадан 8,5 миллион сўм соф фойда олиниши кутилмоқда.

— Бу даромаднинг асосий қисмини ўз техника базамизни яратиш ва мустаҳкамлашга сарфлаймиз, — дейди фермер. — Қолаверса, 22-умумтаълим мактабини оталиққа олганмиз. Бундан ташқари қишлоғимизда кам таъминланган, кўп болали оилалар бор. Байрамларда уларнинг кўнглини олиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *Мусаддин Чўпонбоев ғалла ҳосилидан мамнун; фермер хўжалиги компьютерчилари (чапдан) Эрбўл Туронов ва Шавкат Жонибеков иш устида.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг III сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг III сессияси 2005 йил 14 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими К. ТЎЛАГАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 12 май.

